

Ba'zan o'zi namoz o'qimaydigan insonlarning uyiga, to'ylariga borib qolamiz

21:31 / 27.04.2016 4808

САВОЛ- Баъзан ўзи намоз ўқимайдиган инсонларнинг уйига, тўйларига бориб қоламиз. Шунда у ердаги таомлар ҳалол ёки йўқлигини билмаймиз. Шу сабабдан ўша таомларни емасликка ҳаракат қиламиз. Бироқ кўпчиликнинг кўзига бу хунук кўринади. Мана шундай вазиятда қандай йўл тутиш керак (бормасангиз хафа бўлишади).

ЖАВОБ -Албатта намоз ўқиш ниҳоятда яхши иш, ҳар бир вояга етган мукаллаф бўлган, эркак аёл мўмин-мусулмон намоз ўқиши фарз. Бу жуда ҳам улуғ нарса намозни тарк қилиш қандай гуноҳ эканлигини ҳаммамиз яхши бил амиз. Лекин шу билан бирга айтиб ўтиш керакки намоз ўқимайдиган инсонларнинг таомлари ҳалол эмас ёки шубҳали деган гапни ўйлаб гапириш керак бўлади. Бу маънода таомни ҳалол ёки ҳаром бўлиши, таомнинг ўзини жисмига қараб яъни асли ҳалол нарсами, ҳаром нарсами эканлигига қараб ҳамда унинг касбига қараб, ҳалол касбдан олинган таомми ёки ҳаром йўлдан топилган пул билан олинган таомми эканлигидан билинади. Саволда ўша иккинчи маъно эслатилаяпти, яъни ҳалол ёки ҳаром эканлигини билмаймиз дегани, топиши ҳалолми ёки ҳалол эмасми эканлигини билмаймиз деган маънода бўлади. Бундай шубҳали нарсалар ёки топиши мутлақо ҳаром ҳалол аралашмаган ҳалол топадиган ери йўқ деган жойларга бормаслик керак, узр айтиш лозим бўлади. Энди шубҳали бўлган жойларда аввалларда ҳам айтиб ўтилган, ҳалол нарсаси ҳам бўладиган бўлса ана шу нарсани ҳалолдан бўлган деган эътиқодни қилинади. Ва борганда ундай овқат емай туришликни хунук кўринадиган бўлса, ўша дастурҳонда турган нарсадан ҳалол деб эътиқод қилган маъноларини яъни тушунчаси шунга етганлигини тановул қилса айби йўқ, чунки умумий қоида ҳалиги. Ҳаром билан ҳалол аралашган пайтида ҳалолни эътиқодини бу тарфдаги одам қилаверади. Ундай тўй-тўлқин қилиб хайри-садақа қилаётган одамларга эса хъаром нарсани аралаштирмаслик қаттиқ таъкидланади.